

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

146 Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

аттестациядан ўтди деб эътироф этилган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрлари (кейинги ўринларда — педагог кадрлар) белгиланган намунадаги сертификатлар билан таъминланади;

педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш жараёни билан боғлиқ, шу жумладан тест синовлари материалларини тайёрлаш ва сертификатларни нашр этиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан тақдим этиладиган харажатлар сметасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳар йили 20 январга қадар аттестациядан ўтиш муддати келган педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш жадвалини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари комплексига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Мехнат вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда бир ой муддатда:

аттестация натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар;

Ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ю. Ходиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 7 апрель,
107-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 7 апрелдаги 107-сон қарорига
ИЛОВА

**Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва
мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог
кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига мувофиқ мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини (кейинги ўринларда — педагог кадрлар) аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Педагог кадрларнинг малака тавсифларига мувофиқлиги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда — Халқ таълими вазирлиги), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (кейинги ўринларда — Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази) ҳамда тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ходимларнинг асосий лавозимлари малака тавсифларидаги (кейинги ўринларда — малака тавсифлари) талаблар асосида ўрганилади.

3. Қуйидагилар педагог кадрларни аттестациядан ўтказишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ўқув фани бўйича малакаси, дарс ўтиш маҳорати, меҳнати самарадорлиги ва ижтимоий-сиёсий билимларини оширган педагог кадрларни рағбатлантириш;

иш ҳақи миқдорини ошириш имкониятларини яратиш;
хорижий тилларни ўрганишни қўллаб-қувватлаш;

компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлишнинг мажбурийлигини таъминлаш.

4. Аттестациянинг асосий принциплари мажбурийлик, даврийлик, ошкоралик, кенгашиб иш кўриш ҳамда холислик ҳисобланади.

5. Аттестация мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари педагог кадрлари учун ҳар беш йилда, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог кадрлари учун ҳар уч йилда бир марта ўтказилади.

Педагог кадрларнинг аттестациясини ташкил этиш ва ўтказиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

6. Аттестациядан белгиланган муддатда малака ошириш курсини тугатганлик тўғрисидаги сертификатга эга бўлган:

мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг олий ва ўрта махсус, касб-хунар маълумотли;

умумий ўрта таълим муассасаларининг олий маълумотли;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг умумтаълим, чуқурлаштирилган ва касбий таълим фанлари бўйича олий маълумотли;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг олий ва ўрта махсус, касб-хунар маълумотли педагог кадрлари (ишлаб чиқариш таълими усталари) ўтказилиши шарт.

7. Ишга янги қабул қилинган педагог кадрлар бир йилдан сўнг, олий ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини битириб биринчи бор ишга кирганлар касбий фаолиятига уч йил тўлгандан сўнг аттестацияга жалб этилади.

8. Тузилмасида умумтаълим бўғинлари мавжуд бўлган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг умумий ўрта таълим босқичида умумтаълим, чуқурлаштирилган ва касбий таълим фанларидан дарс бераётган педагог кадрлар аттестациядан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун белгиланган тартибда ўтказилади.

9. Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси расмийлаштирилган ҳолда узоқ муддат (уч ойдан ортик) даволанаётган, ҳомиладорлик, туғиш ҳамда болани парвариш қилиш таътилидаги педагог кадрлар иш фаолиятига қайтганларига бир йил тўлгандан сўнг аттестацияга жалб этилади.

10. Аттестация ҳар йили март — июнь ойларида ўтказилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда — Давлат тест маркази) Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳар йили 20 январга қадар аттестациядан ўтиш муддати келган педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш жадвалини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари комплексига тақдим этади.

Аттестациядан ўтиш муддати келган педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш жадвали тақдим этилган кундан эътиборан бир ой ичида Вазирлар

Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари комплекси раҳбари томонидан тасдиқланади.

12. Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари (кейинги ўринларда — таълим муассасалари) раҳбарлари аттестация муддатини бир ой олдин эълон қилади ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тартиби билан таништиради.

13. Аттестацияга доир ташкилий масалалар таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органлари ва таълим муассасалари раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ўрнатилган тартибда аттестациянинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, педагог кадрларнинг ҳуқуқлари таъминланган ҳолда ўтишини назорат қилади.

15. Аттестация ўтказишда таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва аттестацияни назорат қилиш Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади.

Мувофиқлаштириш ишлари аттестация жадвалларини ишлаб чиқиш ва аттестацияга оид фаолиятни ташкил этиш бўйича қўшма қарорлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этишдан, биринчи, олий малака тоифали ва етакчи, бош ўқитувчи лавозимидаги ҳамда мазкур малака тоифалари ва лавозимларига талабгор педагог кадрлар учун тест (ёзма, ижодий иш) синовларини ўтказишдан ҳамда уларнинг натижаларини эълон қилишдан, педагог кадрларнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисида сертификатлар топширилишини таъминлашдан иборат.

Аттестацияни назорат қилиш унинг натижаларини таҳлил қилиш, баҳолаш ҳамда мазкур Низом талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган қарорларга оид маълумотномаларни Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари комплексига, тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларга юбориш орқали амалга оширилади.

II. Аттестацияни ташкил этиш ва аттестация комиссияларини тузиш тартиби

16. Педагог кадрлар асосий иш жойи бўйича аттестацияга жалб этилади. Таълим муассасаларида ўриндошлик асосида дарс берадиган ва асосий иш жойи бўйича педагогик фаолият билан шуғулланмайдиган педагог кадрлар ўриндошлик асосида фаолият юритаётган таълим муассасида аттестациядан ўтади.

17. Мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасалари педагог кадрларининг малака тоифалари ёки лавозимлари мазкур таълим муассасаларининг бир туридан бошқасига ишга ўтганда сақланади.

Бунда халқ таълими тизими педагог кадрларининг иккинчи малака тоифаси ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг катта ўқитувчи лавозимига, биринчи малака тоифаси — етакчи ўқитувчи лавозимига, олий малака тоифаси — бош ўқитувчи лавозимига тенглаштирилади.

18. Педагог кадрлар ўрта махсус, касб-хунар, олий маълумотли, илмий даража олганлиги ёки қайта тайёрлаш курсларидан ўтганлиги ҳақидаги дипломда (кейинги ўринларда — диплом) кўрсатилган тайёрлов, таълим йўналишлари, мутахассислик ёки ихтисосликларига мос келадиган фанлар бўйича аттестациядан ўтади.

Педагог кадрларнинг дипломида биттадан ортиқ тайёрлов ёки таълим йўналиши, мутахассислик ёки ихтисослик кўрсатилган бўлса, улар дарс бераётган ҳар бир ўқув фани бўйича алоҳида аттестациядан ўтади.

19. Таълим муассасалари раҳбарлари аттестациядан ўтувчиларнинг ҳар бири учун алоҳида ҳужжатлар йиғмажилди тайёрлайди.

Ҳужжатлар йиғмажилдида аттестациядан ўтувчининг паспорти, дипломи, аттестациядан ўтганлиги тўғрисида олган ва амалда фойдаланаётган сертификати (агар мавжуд бўлса), малака оширганлиги ҳақидаги сертификати нусхалари, маълумотнома, сўнгги бир йил давомида ўтган дарсларининг таҳлиллари, очиқ дарслар ўтганлиги ҳақидаги маълумотлар, таълим олувчилари рейтинги ва эришган ютуқлари (агар мавжуд бўлса) тўпланadi.

20. Педагог кадрлар аттестацияси уларнинг малака тавсифларида белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолият кўрсатишини тасдиқловчи халқ таълими бошқармалари аттестация комиссиялари, туман (шаҳар), муассасалар ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари аттестация комиссиялари (кейинги ўринларда — аттестация комиссиялари) томонидан амалга оширилади.

21. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармаларида, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасида (кейинги ўринларда — халқ таълими бошқармалари) олий малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестациясини ўтказиш учун Халқ таълими бошқармалари аттестация комиссиялари тузилади.

Халқ таълими бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби Халқ таълими вазирлиги, тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда Давлат тест марказининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Халқ таълими бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби халқ таълими бошқармалари бошлиғи (комиссия раиси), Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларининг раҳбар ходими (комиссия раиси ўринбосари), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг таълим соҳасига масъул ходими, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (кейинги ўринларда — касаба уюшмаси) вакили, уч нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

22. Қўйидагилар Халқ таълими бошқармалари аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

туман (шаҳар) ва муассасалар аттестация комиссияларининг биринчи ва иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестацияси яқунлари бўйича ҳисоботларини таҳлил қилиш;

олий, биринчи ва иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун Давлат тест марказига буюртманома бериш ҳамда аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддатда педагог кадрларни сертификатлар билан таъминлаш.

23. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларида биринчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестациясини ўтказиш учун туман (шаҳар) аттестация комиссиялари тузилади.

Туман (шаҳар) аттестация комиссиялари таркиби халқ таълими бошқармалари буйруғи билан тасдиқланади.

Туман (шаҳар) аттестация комиссиялари таркиби халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирини (комиссия раиси), Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларининг масъул ходими (комиссия раиси ўринбосари), туман (шаҳар) ҳокимлигининг таълим соҳасига масъул ходими, касаба уюшмаси вакили, уч нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

24. Қўйидагилар туман (шаҳар) аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

биринчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

муассасалар аттестация комиссияларининг иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестацияси яқунлари бўйича ҳисоботларини таҳлил қилиш;

биринчи ва иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун Халқ таълими бошқармалари комиссияларига буюртманома бериш.

25. Таълим муассасаларида иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестациясини ўтказиш учун муассасалар аттестация комиссиялари тузилади.

Муассасалар аттестация комиссиялари таркиби халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг буйруқлари билан тасдиқланади.

Муассасалар аттестация комиссиялари таркиби таълим муассасалари раҳбари (комиссия раиси), халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими ходими (комиссия раисининг ўринбосари), касаба уюшмаси ва ота-оналар қўмитаси вакилла-

ри, уч нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

26. Қўйидагилар муассасалар аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун туман (шаҳар) аттестация комиссиясига буюртманома бериш.

27. Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаларида умумтаълим, чуқурлаштирилган ва касбий таълим фанлари педагог кадрларини (ишлаб чиқариш таълими усталарини) аттестациядан ўтказиш учун ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари аттестация комиссиялари тузилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, тасарруфида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда Давлат тест марказининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби ҳудудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси раҳбар ходимлари (комиссия раиси), Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг масъул ходими ёки олий таълим муассасаларининг соҳага масъул проректорлари (комиссия раисининг ўринбосари), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг таълим соҳасига масъул ходими, қасаба уюшмаси вакили, уч нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог ёки бош ўқитувчидан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

28. Қўйидагилар ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифалари, катта, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимларига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифалари, катта, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимидаги педагог кадрларга сертификатлар олиш учун Давлат тест марказига буюртманома бериш ҳамда аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддатда педагог кадрларни сертификатлар билан таъминлаш.

29. Аттестациядан ўтувчи педагог кадрлар аттестация комиссиялари таркибига киритилмайди.

30. Аттестация комиссиялари раислари ва аъзолари аттестация ушбу Низом талабларига ҳамда аттестация жадвалига мувофиқ ўтказилиши учун масъул ҳисобланадилар.

31. Аттестациядан ўтувчи педагог кадрларнинг малака тавсифларида ва баҳолаш мезонларида белгиланган талабларни бажарганликлари ҳақидаги

тавсияларни тайёрлаш учун таълим муассасалари раҳбарлари буйруғи билан эксперт гуруҳи тузилади.

32. Эксперт гуруҳи таркиби беш нафар аъзодан иборат бўлади.

Эксперт гуруҳи аъзолари таркибига таълим муассасалари раҳбарининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари (мактабгача таълим муассасаси методистлари) ва тажрибали педагог кадрлар киритилади.

33. Таълим муассасалари раҳбарлари эксперт гуруҳи томонидан тайёрланган тавсия ва ҳужжатлар йиғмажилдларини тегишли аттестация комиссияларига тақдим этади.

III. Аттестациядан ўтказиш, сертификатлар бериш ҳамда таълим олганлик тўғрисидаги маълумотларга қўйилган талабларни белгилаш тартиби

34. Аттестация икки босқичда ўтказилади:

биринчи босқичда — аттестациядан ўтувчиларнинг ўқув фани бўйича малака синови натижалари, дарс ўтиш маҳорати ва меҳнати самарадорлиги эксперт гуруҳи томонидан ўрганилади ҳамда тегишли тавсиялар тайёрланади;

иккинчи босқичда — аттестация комиссиялари томонидан педагог кадрларнинг хорижий тиллар, компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларини билиши ҳамда ижтимоий-сиёсий билимларини аниқлаш юзасидан суҳбат ўтказилади. Суҳбат жараёни видеотасвирга олинади ва берилган саволлар ва жавоблар махсус (саҳифаланган, тикилган ва муҳрланган) дафтарда қайд этилади.

35. Аттестация қўйидаги баҳолаш мезонлари бўйича ўтказилади:

а) дарс ўтиш маҳорати — дарс таҳлиллари, очиқ дарслар ўтганлиги, таълим олувчиларининг рейтинг кўрсаткичлари, таълим бериш воситалари ҳамда шакллари мақбул равишда танлаши, тавсия этилган илғор педагогик услуб ва технологияларни («case study» услуби, лойиҳалар услуби, ҳамкорликда ўқитиш, «амалий ўйин», интерфаол таълим услуби ва бошқалар) қўллашлари;

б) меҳнати самарадорлиги — таълим олувчиларнинг тайёрлаганлиги, таълим олувчилар ва аттестациядан ўтувчиларнинг туман, шаҳар, вилоят, республика, халқаро кўрик-танловлар, фан олимпиадалари ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари;

в) ўқув фани бўйича малака синовлари — дипломида кўрсатилган тайёрлов, таълим йўналишлари, мутахассислиги ёки ихтисосликлари бўйича давлат таълим стандартлари ёки давлат талаблари мазмуни асосида ўтказилган тест, ёзма ёки ижодий иш натижалари;

г) хорижий тиллар, компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларини билиши ҳамда ижтимоий-сиёсий билимларини аниқлаш юзасидан ўтказилган суҳбат якунлари.

36. Педагог кадрларнинг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Халқ таълими вазирлиги томонидан Меҳнат вазирлиги, Давлат тест маркази билан биргаликда ишлаб чиқилади ва белгиланган тартибда тасдиқланади.

37. Биринчи ва олий малака тоифали, етакчи ва бош ўқитувчи лавози-мидаги ҳамда мазкур малака тоифалари ва лавозимларга талабгор педагог кадрлар учун тест материаллари мазмунини шакллантириш, нашр этиш ва мазкур жараёни ўтказиш Давлат тест маркази томонидан Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

38. Ўқув фани бўйича малака синовига оид ёзма ва ижодий иш ҳамда иккинчи малака тоифасига ва катта ўқитувчи лавозимига даъвогар педагог кадрларнинг тест синовларини ўтказиш тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралари билан келишилган ҳолда таълим турлари бўйича Халқ таълими вазирлиги ёки Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан амалга оширилади.

39. Аттестация комиссиялари педагог кадрларнинг дарс ўтиш маҳорати ва меҳнати самарадорлиги ҳамда ўқув фани бўйича малака синови натижаларини таҳлил қилади, хорижий тиллар, компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларини билиши ҳамда ижтимоий-сиёсий билимларини аниқлаш юзасидан суҳбат ўтказиши ва тегишли қарор қабул қилади.

40. Аттестация комиссияси аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этган йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

41. Аттестация комиссиялари қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

а) олий малака тоифали ёки бош ўқитувчи лавозидаги педагог кадр баҳолаш мезонларининг ҳар биридан:

75 фоиздан юқори кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, олий малака тоифаси (бош ўқитувчи лавозими) сақлансин»;

75 фоиздан паст кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтмади, биринчи малака тоифаси (етакчи ўқитувчи лавозими)га туширилсин»;

б) биринчи малака тоифали ёки етакчи ўқитувчи лавозидаги педагог кадр баҳолаш мезонларининг ҳар биридан:

75 фоиздан юқори кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, олий малака тоифаси (бош ўқитувчи лавозими) берилсин»;

75 фоиздан 65 фоизгача кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, биринчи малака тоифаси (етакчи ўқитувчи лавозими) сақлансин»;

65 фоиздан кам кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтмади, иккинчи малака тоифаси (катта ўқитувчи лавозими)га туширилсин»;

в) иккинчи малака тоифали ёки катта ўқитувчи лавозидаги педагог кадр баҳолаш мезонларининг ҳар биридан:

65 фоиздан юқори кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, биринчи малака тоифаси (етакчи ўқитувчи лавозими) берилсин»;

65 фоиздан 60 фоизгача кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, иккинчи малака тоифаси (катта ўқитувчи лавозими) сақлансин»;

60 фоиздан кам кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтмади, мутахассис (олий ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи) лавозими га туширилсин»;

г) мутахассис, олий ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи лавозимидаги педагог кадр баҳолаш мезонларининг ҳар биридан:

60 фоиздан юқори кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, иккинчи малака тоифаси (катта ўқитувчи лавозими) берилсин»;

60 фоиздан 55 фоизгача кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, мутахассис (олий ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи) лавозими сақлансин»;

55 фоиздан кам кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтмади, мутахассис (олий ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи) лавозими га мувофиқ эмас».

42. Аттестация комиссиялари мутахассис, олий ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи лавозимидаги педагог кадрлар бўйича «Аттестациядан ўтмади, мутахассис (олий ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи) лавозими га мувофиқ эмас» қарорини қабул қилса, улар навбатдан ташқари малака ошириш курсларига юборилади ҳамда кейинги йилда қайта аттестацияга жалб этилади.

Аттестация комиссиялари қайта аттестацияга жалб этилган педагог кадрлар бўйича «Аттестациядан ўтмади, мутахассис (олий ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи) лавозими га мувофиқ эмас» қарорини қабул қилса, иш берувчи томонидан улар билан тузилган меҳнат шартномаси меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда бекор қилинади.

43. Баҳолаш мезонлари бўйича ўртача кўрсаткич чиқарилмайди ҳамда баҳолаш мезонларининг бирортаси бўйича белгиланган кўрсаткичдан паст баҳоланса «аттестациядан ўтмади» деган қарор қабул қилинади.

44. Педагог кадрлар аттестациянинг бирор босқичида узрли сабабга (меҳнатга лаёқатсизлик варақаси, таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органи ёки таълим муассасалари раҳбарлари маълумотномаси) кўра келмаган бўлса, уларнинг аттестацияси бошқа муддатга кўчирилади.

45. Педагог кадр узрсиз сабабга кўра аттестациянинг бирор босқичида иштирок этмаган бўлса аттестациядан ўтмаган ҳисобланади ҳамда унга нисбатан «Аттестациядан ўтмади, тегишли малака тоифаси ёки лавозими туширилсин», мутахассис, олий ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи лавозими бўйича «Аттестациядан ўтмади, мутахассис (олий ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи) лавозими га мувофиқ эмас» қарори қабул қилинади.

46. Аттестация комиссиялари қарори ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда расмийлаштирилади ҳамда комиссия раиси, раис ўринбосари ва котиб томонидан имзоланади.

47. Аттестация комиссиялари қарори асосида ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги аттестация варақаси расмийлаштирилади ҳамда аттеста-

ция комиссияси раиси, раис ўринбосари, йиғилишда иштирок этган аъзолар ва котиб томонидан имзоланади.

Аттестация варақаси икки нусхада тўлдирилади ва бир нусхаси педагог кадрларнинг иш жойидаги шахсий ҳужжатлари йиғмажилдида, иккинчи нусхаси аттестация комиссиясида сақланади.

48. Педагог кадрларнинг аттестациясига оид ҳужжатларининг тўпланган йиғмажилди навбатдаги аттестациягача таълим муассасасида сақланади.

49. Аттестация комиссияларининг қарорига кўра олий, биринчи, иккинчи малака тоифасига ёки бош, етакчи, катта ўқитувчи лавозимига эга бўлган педагог кадрларга ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шаклдаги педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги сертификат (кейинги ўринларда — сертификат) аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддат ичида топширилади.

Сертификатларнинг хатосиз тўлдирилиши учун аттестация комиссияси раислари масъул ҳисобланади.

50. Сертификат қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланиб, унда ҳисоб серияси, рақами ва химоя даражаси бўлади. Сертификат бланкалари Давлат тест маркази буюртмаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси босмаҳонасида тайёрланади.

51. Давлат тест маркази директори, халқ таълими бошқармалари ва ҳудудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари бошлиқлари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими мудирлари ва таълим муассасалари раҳбарлари сертификатларнинг ҳисоби, сақланиши ҳамда мақсадли ишлатилиши юзасидан шахсан жавобгар ҳисобланади.

52. Аттестация комиссиялари сертификатларнинг педагог кадрларга тарқатилишини рўйхатга олиш учун махсус дафтар (саҳифаланган, тикилган ва муҳрланган) юритади ва унда қуйидагиларни қайд этади:

тартиб рақами;

педагог кадрларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

сертификатнинг тартиб рақами, серияси;

сертификат берилишига асос бўлган комиссия қарорининг санаси ва тартиб рақами;

сертификатни берган комиссиянинг номи;

сертификатнинг амал қилиш муддати;

сертификат нусхаси (дубликати)нинг берилиши асоси ва санаси.

53. Педагог кадрларнинг базавий тариф ставкалари миқдори, уларнинг малака тоифаси ёки лавозими сертификат асосида белгиланади.

54. Сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган педагог кадрларга мутахассис, олий ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи лавозими бўйича ҳақ тўланади.

55. Сертификатнинг амал қилиш муддати тугаб, мутахассис, олий ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи лавозими бўйича ҳақ тўлана-

ётган педагог кадрлар навбатдаги аттестацияга охири сертификатида кўрсатилган малака тоифаси ёки лавозими бўйича жалб қилинади.

56. Давлат тест маркази Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан келишган ҳолда сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартибини белгилайди.

57. Аттестациядан ўтганлиги тўғрисида сертификатга эга бўлмаган ишга янги қабул қилинган педагог кадрларга ёхуд олий ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини битириб биринчи бор ишга кирган педагог кадрларга қуйидаги тартибда малака тоифаси (лавозими) берилади:

ўрта махсус, касб-хунар маълумотли педагог кадрларга — ўрта махсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи лавозими;

бакалавр даражасига — мутахассис ёки олий маълумотли ўқитувчи лавозими;

магистр даражасига эга мутахассисларга, шунингдек олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотли педагог кадрларга — иккинчи малака тоифаси ёки катта ўқитувчи лавозими (ушбу малака тоифаси ёки лавозими аттестация натижасига кўра ўзгариши мумкин);

фан номзоди ёки фан доктори илмий даражасига эга бўлган педагог кадрларга — олий малака тоифаси ёки бош ўқитувчи лавозими (мазкур малака тоифаси ёки лавозими аттестация натижасига кўра ўзгариши мумкин).

IV. Аттестация натижалари юзасидан мурожаат қилиш тартиби

58. Аттестация комиссиялари қароридан норози бўлган педагог кадрлар аттестация натижалари эълон қилинган кундан бошлаб ўн кун мобайнида апелляция комиссиясига ёзма равишда ариза (шикоят) беришлари мумкин.

59. Апелляция комиссияси аттестация бошлангандан кейин уч кун ичида педагог кадрларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун тегишлилигига кўра Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг буйруғи билан беш кишидан иборат таркибда халқ таълими бошқармаларида ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаларида ташкил этилади.

Апелляция комиссияси таркиби Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институти ёки Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг раҳбар ходими, касаба уюшмаси вакили, уч нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали (бош ўқитувчи) педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

60. Апелляция комиссиясининг иш тартиби апелляция комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги буйруқда белгиланади.

61. Апелляция комиссияси таркибига аттестация комиссиялари таркибидан аъзо киритилмайди.

62. Апелляция комиссияси муаммоли ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида жамоатчилик асосида малакали мутахассисларни жалб этиши мумкин.

63. Апелляция комиссияси йиғилишида комиссия аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этса, унинг қабул қилган қарори қонуний кучга эга бўлади.

64. Ариза (шикоят) рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кун муддатда кўриб чиқилади.

65. Мурожаат этувчи педагог кадрлар апелляция комиссияси томонидан аризаси (шикояти) кўриб чиқилиши жараёнида иштирок этиши мумкин.

66. Апелляция комиссияси аттестация комиссияси қарорини ўзгартиришсиз қолдириш ёки уни бекор қилиб, қайта аттестация ташкил этиш ҳақида қарор чиқаради.

67. Апелляция комиссияси қарори нусхаси мурожаат этувчи педагог кадрга ва тегишли аттестация комиссиясига апелляция комиссияси қарори чиққан кундан эътиборан беш кун муддатда тақдим этилади.

V. Яқунловчи қоидалар

68. Аттестация комиссияси ёки апелляция комиссияси қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

69. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Педагог кадрларнинг аттестациясини ташкил этиш ва ўтказиш
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Тадбирлар	Субъектлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	<ol style="list-style-type: none"> Аттестациядан ўтиш муддати келган педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари комплексига киритиш. Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари комплекси раҳбари томонидан аттестациядан ўтказиш жадвалини тасдиқлаш. 	<p>Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар.</p> <p>Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари комплекси.</p>	<p>Ҳар йили 20 январга қадар</p> <p>Ҳар йили 20 февралга қадар</p>
2-босқич	<ol style="list-style-type: none"> Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳри халқ таълими бош бошқармасида халқ таълими бошқармалари комиссиялари таркибини тасдиқлаш. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларида туман (шаҳар) комиссиялари таркибини тасдиқлаш. Таълим муассасаларида муассасалар аттестация комиссиялари таркибини тасдиқлаш. Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари аттестация комиссиялари таркибини тасдиқлаш. 	<p>Халқ таълими вазирлиги, тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда Давлат тест маркази.</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳри халқ таълими бош бошқармаси.</p> <p>Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари.</p> <p>Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда Давлат тест маркази.</p>	<p>Ҳар йили март ойида</p>
3-босқич	<ol style="list-style-type: none"> Аттестациядан ўтувчи педагог кадрларнинг малака тавсифларида ва баҳолаш мезонларида белгиланган талабларни бажарганликларни ҳақидаги тавсияларни тайёрлаш учун таълим муассасаларида эксперт гуруҳи тузиш. Аттестациядан ўтувчиларнинг ўқув фани бўйича малака синови натижаларини, дарс ўтиш маҳорати ва меҳнати самарадорлигини экспертлар томонидан ўрганиш ҳамда тегишли тавсиялар тайёрлаш. 	<p>Таълим муассасалари раҳбарлари.</p> <p>Таълим муассасаларида тузилган эксперт гуруҳлари.</p>	<p>Ҳар йили март-апрель ойларида</p>

Босқич-лар	Тадбирлар	Субъектлар	Бажариш муддатлари
4-босқич	Педагог кадрларнинг дарс ўтиш маҳорати ва меҳнати самарадорлиги ҳамда малака синови натижаларини таҳлил қилиш, хорижий тиллар, компьютер техникаси ва ахборот технологияларини билиш ҳамда ижтимоий-сиёсий билимларини аниқлаш юзасидан суҳбат ўтказиш ва тегишли қарор қабул қилиш.	Халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар), муассасалар ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари аттестация комиссиялари.	Ҳар йили май-июнь ойларида
5-босқич	Аттестация комиссияларининг қарорига кўра иккинчи, биринчи, олий малака тоифаси ёки катта, етакчи, бош ўқитувчи лавозимига эга бўлган педагог кадрларга сертификат топириш.	Давлат тест маркази, мувофиқлаштирувчи, ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари аттестация комиссиялари.	Ҳар йили, июнь-июль ойларида

Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва
мақтабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог
кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

146-модда

_____ КОМИССИЯСИНИНГ _____ йил « _____ » _____ куни бўлиб ўтган йиғилишининг _____-сон
(комиссия номи ёзилади)

Қ А Р О Р И

Раислик қилувчи:
Иштирок этганлар:

- комиссия раиси
- комиссия раисининг ўринбосари
- комиссия аъзоси
- комиссия аъзоси
- комиссия аъзоси
- комиссия аъзоси
- комиссия аъзоси
- комиссия котиби

Т/р	Таълим муассасасининг номи ёки рақами	Педагог кадрнинг			Дарс бераётган ўқув фани	Амалдаги малака тоифаси ёки лавозими	Ўқув фани бўйича малака синови балли	Дарс ўтиш маҳорати балли	Меҳнати самарадорлиги балли	Сухбат натижаси балли	Аттестация натижаларига кўра комиссия қарори	Аттестация натижаларига кўра берилган малака тоифаси ёки лавозими
		фамилияси	исми	отасининг исми								

Комиссия раиси: _____

Комиссия раисининг ўринбосари _____

Комиссия котиби: _____

— 52 —

15 (723)-сон

Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус,
касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат
таълим муассасалари педагог кадрларини
аттестациядан ўтказиш тартиби
тўғрисида низомга
3-ИЛОВА

_____ (Республика, вилоят, шаҳар, туман номи)

_____ (таълим муассасасининг номи ёки рақами)

АТТЕСТАЦИЯ ВАРАҚАСИ

_____ (педагог кадрнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

Туғилган йили, куни ва ойи _____

Маълумоти _____ (таълим олган муассасасининг номи) _____ (тамомлаган йили)

Таснифлаш бўйича _____ (тайёрлов ёки таълим йўналиши, мутахассислиги ёки ихтисоси номи)

Илмий даражаси ёки илмий унвони _____

Педагогик стажи _____

Амалдаги малака тоифаси ёки лавозими бўйича иш стажи _____ йил; шу жумладан мазкур таълим муассасасида _____ йил

Малакасини оширган таълим муассасаси номи, вақти _____

_____ (малака оширган соҳаси: касбий, ахборот ёки педагогик технологиялар ва бошқа мавзуларда)

Мукофотлари _____

Комиссия қарори _____ (тўлиқ ёзилади)

Комиссия раиси _____ (фамилияси, исми, отасининг исми) _____ (имзо)

Комиссия раисининг ўринбосари _____ (фамилияси, исми, отасининг исми) _____ (имзо)

Комиссия котиби _____ (фамилияси, исми, отасининг исми) _____ (имзо)

Комиссия аъзолари _____ (фамилияси, исми, отасининг исми) _____ (имзо)

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми) _____ (имзо)

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми) _____ (имзо)

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми) _____ (имзо)

_____ йил « _____ » _____ (йил, кун ва ой кўрсатилади)

Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус,
касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат
таълим муассасалари педагог кадрларини
аттестациядан ўтказиш тартиби
тўғрисида низомга
4-ИЛОВА

**Педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисида
СЕРТИФИКАТ**

Серияси _____ № _____

Ушбу сертификат _____ га
(фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ йил « _____ » _____ да ўтказилган _____ йиғилишининг
(Комиссия номи ёзилади)

_____ -сон қарори асосида _____ бўйича
(тайёрлов ёки таълим йўналиши, мутахассислиги ёки ихтисоси сўз билан ёзилади)
_____ берилди.
(малака тоифаси ёки лавозими сўз билан ёзилади)

Комиссия раиси _____ (имзо)
(фамилияси, исми, отасининг исми)

М.Ў.

Қайд рақами _____ йил « _____ » _____
(тарқатиш дафтарига қайд этилган рақам ёзилади)